1. Use computer and project connecting with internet during the lesson.

We know today all schools has projection and computers in every English classrooms and we use our lessons. But it is not enough, it must be connecting with internet. So why we need internet?

For example: we have new word. Usually we translate it directly or give it is definition. We have not all things in our classroom. New word is "an elephant" for the first grade. We open our computer and find picture of elephant and show to pupils. Visual aid more effectively than direct method.

2. Audio and video tools.

There are 5 important ways to teaching language:

1. Reading
2. Speaking

3. Listening

4. Writing

5. Grammar

Using video conference with native speakers is the best way teaching, listening. If pupils take conference one or more time in a week it might be good practice there learning.

For example:

International Association of Teachers of English as a Foreign Language have a webinar much time teachers and pupils to get involve in there conference, events and online courses. Webinar more time with pupils help to set motivation and they link and take Webinars on their mobile phone. So on April 18, 10:00 UK time in this year I took part in Webinar of IATEFL. We conference with David Crystal. He is honorary professor of linguistics at the University of Bangor and he is patron of IATEFL and author of over 100 books on various aspects of the English language.

This Webinar was useful for me.

3. Brain storm

It's a pity sometimes or some English lesson has direct method. The new theme is taught by teacher directly. It must first of all we ask question about new theme.

For example: Degrees of adjectives. Indirect way teacher says there are 3 types of degrees...

No it is not true way in my opinion. Teacher must ask, "what is adjective?" How many types we use degrees of adjectives in our life. For example, this is a chalk, this chalk is taller than that and we may give many examples after their answers it is brainstorming.

4. Role play.

This way is useful teaching language then others I think, because we teach language for using in our real life not only as science, we know all English words and grammar our life. It is very unfortunately role play will help you reinvent your teaching methods and take your classes more interesting and take the help of tools to stimulate creativity. It is great way to make children step out of their comfort zone and develop their interpersonal skills.

For example, at the market.

One pupil is seller and another customer.

A: Hello

B: Hi.

A: How many it does cost this pen

B: It costs five hundred sum

A: Ok. Please give me one blue and here five thousand sum

B: Ok. Here these are.

A: Oh sorry. Can you give me a book? How much does it cost?

B: Is same a pen

A: Ok. Here five thousand.

In that role play pupil teach culture of treatment.

5. I-phones and laptops.

We know many pupils have their own mobile phone. We must teach how they use it usefully. About dictionary and play full games or visual exercises that will excite young minds and capture their interest. We must give them the freedom to explore certainly without lesson.

There are my opinions. We must never forget first of all we must give interest and motivate to pupil and teach not only science we must teach them educate as Avloniy says: "Tarbiya yo hayot, yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidir".

Used Literature:

1. <https://www.iatefl.org/iatefl-global-get-together-day-1>.
2. Jamol Jalolov Jalolovich. Tashkent-1996. "Methods of learning foreign language".
3. ABDULLA AVLONIY. "TURKIY GULISTON YOXUD AXLOQ" www.islom.uz KUTUBXONASI Toshkent- 2008

SCIENTIFIC-THEORETICAL BASIS OF MONOLOGICAL SPEECH DEVELOPMENT IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS

Olimjon Eshimbetov

Assistant of Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyoz

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МОНОЛОГИК НУТҚ ЎСТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Олимжон Ешимбетов,

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ассистенти

***АННОТАЦИЯ:** Мақолада бошлангич синф ўқувчиларида монологик нутқни ўстиришнинг илмий-назарий асослари борасида атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди. Турли хил дидактик ўйинлар ва уларни таълим жараёнида мақсадли қўллашнинг интерактив жиҳатлари тадқиқ қилинди. Айниқса, монологик нутқ ўстиришида қузатиш ва баҳолаш механизмига алоҳида эътибор берилди.*

Таняч атамалар: нутқ, кўникма, таҳлил, метод, тасаввур, интерактив, педагогик технология, талаффуз, талқин, тажриба, синов

Барчамизга маълумки, бошлангич синф ўқувчиларини тўғри таълим-тарбия қилишдек заҳматгалаб, мураккаб жараён йўқ. Негаки, бола тарбияси Абу Али Ибн Сино алоҳида таъкидлаганидек, **“болани туғилган ониданоқ тўғри тарбия қилмаса, ота-она кечиккан ҳисобланади”**. Бу ҳар бир ўқувчи учун ўта муҳим ва мураккаблигини ҳеч қачон эътибордан чеккада қолдириб бўлмайди. Хўш, бошлангич синф ўқувчилари мактаб остонасига қадам қўяр экан, аввало, ёзиш ва талаффуз қилиш, фикрлаш қобилияти шаклланган ҳолда қадам қўяди. Бу биринчи давр. Биринчи синфда **“Алифбе”, “Ўқиш китоби”, “Атрофи-миздаги олам”, “Қизиқarli математика”, “Табиатга саёҳат”** сингари фанларни мантикий изчилликда ўзлаштира боради. Бу эса иккинчи давр. Биринчи ва иккинчи оралғида тизимли мантикий ўрнатмас эканмиз, ҳеч қачон

кутилган натижа бермайди. Бошлангич инф ўқувчилари (қорақалпоқ гуруҳлари) да ижодий кўникмани шакллантиришнинг жуда кўплаб қирралари мавжуд. Шулардан бири – монологик нутқ. Монологик нутқни шакллантиришда, аввало, нималарга эътибор қаратиш керак. Биринчидан, оилада болалар – телевизор томоша қилишади. Оинажаҳон қаршисида турфа хил кўрсатувларни томоша қилиб ҳам монологик нутқни ривжолантиради. Ўзларининг сеvimли эртак, мултфильм қахрамонлари каби фикрлай бошлайди. Уларнинг ижобий, инсоний фазилатларидан тўлқинланади. Иқтидори камол топиб, аста-секинлик билан ривожланиш босқичига ўтади. Айнан ўша даврда ўқитувчи юз карра фаоллик билан бола руҳиятини, зехниятини аниқлаб, унга ёндашувни тўғри ва тизимли йўлга қўймаса, қутилган натижага эришиш қийинлашади. Тасаввур қилинг,

5-6 ёшга тўлган мурғак қалбида ёвузлик қаршисида кўркув, эзулик қаршисида қувонч туйғулари пайдо бўлади. Бу ҳолат кўпинча эртақлардаги қахрамонларнинг хатти-ҳаркати, феъл-атвори, тутим ҳамда истаклари таъсирида шаклланади. Атрофда содир бўлаётган воқелик (ҳодиса) бола руҳиятини бениҳоя ўзгартириб юбориши тайин. Биз ушбу мақолада монологик нутқни ўқитиришнинг назарий ва амалий қирраларини ёритишни мақсад қилдик.

Айтиш жоизки, ранг-тасвир ва амалиёт ишлари билан узвий олиб борилса, натижада бола нутқи теранлашади. Сўзни талаффуз қилишга одатланишади. Мантикий фикрлаш тарзи ривожланади. Оламдаги ҳодисаларга баҳо беришда теранлашади. Негаки, оилада олиб бўлган таълим (оғзаки суҳбат)ни мактабда кундалик фаолиятида қўллайди. Шунинг учун болаларнинг ёш ва фикрлаш хусусиятига қараб таълим беришни йўлга қўйиш лозим.

Мактабларда жуда кўплаб муаммолар бор. Вақт эса тифиз ҳамда камлик қилади. 20 та ўқувчининг ўрнига 35 нафар ўқувчи таълим олишади. Хўп, натижа ва сифат кўрсаткичи қандай оқибатларга олиб келишини ўзингиз ўйлаб кўришингиз мумкин.

ДТСда “Болажон” таянч дастурида бадий адабиётнинг муҳим натижаларни бериши киритилган. Зеро, бадий адабиёт болаларнинг монологик ва диалогик нутқини ўстиришда муҳим атрибут саналади. Мисол тариқасида, истаимизми йўқми, инсон жим турган пайтида ўз-ўзи билан мулоқот олиб боради. Болалар-чи? Болалар эса тасавур ва хаёлот оламида

бениҳоя кенгликларга сайр қилади. Адабий эртақ қахрамонлари каби – мард, жасур, олижаноб, ватанпарвар, иқдтироли, кашфиётчи, моҳир учувчи сингари ўзида ички қониқиш хиссини шакллантиради.

П.ф.н., доц. Л.Миржалолова шундай ёзади: “Нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Мактабгача ёшдаги болалар кўпинча с-з, п-ф, т-д, п-б, у-ў, х-х, қ-ғ товушларини талаффуз қилолмайдилар. Нутқ жараёнида кетаппан – кетяпман, Ҳожахон – Шоҳжахон, Йўстам – Рустам, қалға – қарға каби талаффуз этишда йўл қўядиган хатоликларнинг олдини олиш, яъни тўғри талаффуз этишга йўллаш, овоз баландлигига, товуш суръатига эътибор бериш методик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Баъзи болалар ўзидан кичикларни жеркиб, овозини кўтариб муомала қиладилар. Шунда улар талаффузига эътибор қаратиш, нутқ маданиятига, меъёрда сўзлаб, муомала қилишга ўргатиш зарур. Чунки болалиқда таркиб топган муомала маданияти инсон умрининг охиригача муҳрланиб қолади”¹. Дарҳақиқат, болаларнинг монологик нутқини мактаб остонасига илк қадам қунгача ҳам ривожлантириш муҳим вазифалар сирасига қиради. Айнан мана шу таълим бола нутқини янада ривожлантириш учун муҳим таомиллардан бири саналади.

Монологик нутқ бадий асар ва турли хил ўйинлар негизда ҳам ривожлан-

¹ Миржалолова Л. Мактабгача шдаги болаларнинг монологик нутқини ўстириш. –Т.: НДПУ. Услубий кўрсатмалар2015. –Б.7-8.

тирилади. Айниқса, болаларни сайр қилдириш орқали нималарни кўрдингиз, нималарни тасаввур қилдингиз, нималарни билиб олдингиз деб, оғзаки суҳбат куриш асосида ҳам англаш мумкин. Чунончи болалар – кўриш, кузатиш, тасаввур қилиш негизида жуда қўп сир-билимларни билиб олишади. Масалан: нимани кўрдингиз? Нимани англадингиз? Нимани тушунмадингиз? Қабилда савол-жавоб қилинса монологик нутқи бир қадар тиниклашади. Натижада кўрганини, кузатганини, тасаввурини бемалол баён қилишда иккиланишларга дуч келмайди. Тўғри талаффуз қилиш малакаси ҳам бироз чархланиб, тил бойлиги оширилади.

“Кузатишлардан маълумки, кичик ёшдаги болалар нутқи тафаккурни ривожлантириш билан боғлиқ равишда амалга оширилади. Тилни тўғри ўрганиш, унинг грамматик тузилишига эътибор бериб сўзлашиш, болаларда эркин муҳокама юритиш, саволлар бериш, бошқалардан эшитган фикрлари юзасидан хулосалар чиқариш, нарса ва ходисалар ўртасидаги боғланишнинг турли кўринишларини англаб етишга олиб келади.

Болалар боғчасида соғлом, табиий муҳит яратиш, уларнинг тўғри муомалага киришиши, бошқалар билан гаплашиш иштиёқининг ортишига туртки бўлади. Бунинг учун болалар нутқининг шаклан ва мазмунан мантиқий бирлигига эришиш муҳим бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир”². Биноба-

рин, мазкур иқтибосда бир неча тавсиявий характердаги масалалар ўз ечимини топиши муқаррар. Биринчидан, ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг муҳимлиги. Иккинчидан, таълимда соғлом муҳитни шакллантириш. Учинчидан, тўғри муамола маданиятини қарор топтириш лозим. Негаки, айнаш шу жиҳатлар бўлмаса таълим ва тарбия жабҳасида янгранлик вужудга келади.

Умуман, бошланғич синф ўқувчиларида монологик нутқни ўстиришнинг онгли механизми ҳамиша кучли потенциал тажрибани тақозо қилади. Айниқса, ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги, мавжуд муаммоларни вақтида бажариб боришга кенг йўл очади. Нутқ ўстиришнинг дидактик тамойилларидан унумли фойдаланиш ҳамда дарс тизимини тўғри ташкил қилиш учун интерактив методларни ҳам қўллаш кенг имкониятларни тухфа қилади. Бир томондан, тизимли ташкиллаштириш, иккинчи жиҳатдан мантиқий изчиллик, учинчидан, замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, монолгк нутқни ўстириш – ўқувчи тасаввурини юксалтиришнинг энг муҳим шартларидан бири эканлиги ойдинлашади.

Адабиётлар:

1. Миржалолова Л. Мактабгача шдаги болаларнинг монологик нутқини ўстириш. –Т.: НДПУ. Услубий кўрсатмалар2015. –Б.7-8.
2. Бошланғич синфларда синфдан ташқари тадбирлар ташкил этишнинг инновацион усуллари//www.library.ziyonet.uz.2014//

² Бошланғич синфларда синфдан ташқари тадбирлар ташкил этишнинг инновацион усуллари//www.library.ziyonet.uz.2014//

WAYS TO ENSURE ECONOMIC SECURITY OF ENTERPRISES

Uktamov Husniddin Fakhriiddinovich

Tashkent State University of Economics, Assistant of the Department of «Economic Security», husniddin1309@gmail.com

***Annotation.** This article presents the theoretical, legal and practical problems of ways to ensure the economic security of enterprises and analyzes their solutions. This article also provides recommendations on how to ensure the economic security of enterprises in the context of the COVID-19 pandemic.*

Keywords: security, economic security, economic security, legal and practical issues, COVID-19 pandemic, conceptual directions.

At the current stage of development, ensuring the economic security of industrial enterprises is an important task. Today's life itself demands the urgency of ensuring the economic security of enterprises. Modernization and intensive development of sectors of the economy, renewal of fixed assets, increasing the competitiveness of products based on modern technologies and strengthening the country's export potential, development of regional economies, overcoming social problems, foreign investment.

After all, the security of the economy serves as a basis for making decisions on socio-economic issues. Any change in the economic system is accompanied by the manifestation of various risks and threats. Theoretical problems related to the economic security of enterprises include: the economic literature does not disclose the role and importance of the security system, including economic security; the concept of economic security and its types have not yet been agreed among scientists of our country; lack of a scientifically based stratified system of economic security for the country, territory,

business entities, each person; insufficient substantiation of the principles of economic security of the enterprise; the main tasks of ensuring the economic security of enterprises are not sufficiently covered in the economic literature; lack of conceptual guidelines for ensuring the economic security of the enterprise; issues of economic security of the enterprise are not formed as a direction of science.

Legal problems of ensuring economic security of enterprises include: despite the fact that ensuring the economic security of enterprises is very important, the country has not yet developed a law «On Economic Security»; lack of a set of normative documents to ensure the economic security of the enterprise, based on the characteristics of each enterprise; the lack of an organizational and structural system to ensure the economic security of the enterprise.

Among the practical problems that need to be addressed to ensure the economic security of the enterprise in the context of the COVID-19 pandemic are: the lack of a system of indicators for assessing the economic security of enter-

prises; lack of internal security capabilities due to the lack of a system of factors affecting the economic security of the enterprise and the development of methods for calculating their impact; the costs of ensuring the economic security of the enterprise are not taken into account separately, as a result of which they are not given the opportunity to assess the effectiveness of the costs; problems such as the fact that the economic security service of the enterprise is not integrated into one system and the issues of their management are not fully resolved.

Given the role and importance of economic security in the system of these problems related to the economic security of industrial enterprises in the context of the COVID-19 pandemic, we have proposed new conceptual directions on how to ensure the economic security of industrial enterprises:

- Improving the security system of the enterprise and providing them with modern technical means;
- creation and continuous improvement of the system of protection of enterprise property (fixed assets, inventories, raw materials and supplies, semi-finished products, finished products, etc.);

- Improving the safety of enterprises in the transportation of property in accordance with modern requirements;
- Improving the information and scientific and technical security of enterprises;
- development and improvement of measures to ensure the safety of enterprise management and property owners;
- Improving the system of rapid reporting of theft and burglary to law enforcement agencies;
- introduction of the optimal mode of entry and exit to the enterprise;

List of used literature

1. Ekonomicheskaya bezopasnoe \ Rossii: Obshchiy k \ re: Uchebnik / Pod red. V. K. Senchayuva. – M.: Delo, 2005. – 896 p.
2. Usenko A.M. Diagnostics finansovyx oinosheniy kommercheskix orshshvatsiy s kontragentami / A.M. Usenko // Finansovye issledovaniya. – 2013. -L» 1 (38). – S. 55-59
3. Uktamov H.F. Problems of Evaluation and Procuring Economic Security At Enterprises. Asian Journal of Technology & Management Research. Vol.10 – Issue: 01 [Jun-2020].
4. Uktamov X.F, Fayziev R.A. The role of ekonometriceskogo modelirovaniya in obespecheniya ustoychivogo ekonomicheskogo rosta strany. Youth in science: new arguments new arguments 2018 y. February 16th.

ЁШЛАРДА КИТОБХОНЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛАНING ТУТГАН ЎРНИ

Ҳожиева Гулмира Темировна

Бухоро вилояти Бухоро тумани 13-умумтаълим мактабининг бошлагич синф ўқитувчиси, Бухоро, Ўзбекистон.

***Аннотация:** Мактабда ўқитувчи, уйда ота-она болада китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиши, ота-онанинг болада ўқиш кўникмасини ҳосил қилишдаги илк вазифаси, китоб танлаб беришида уларнинг савиясига мос бўлган адабиётларни кенг тарғиб қилиши, ёшларни жамиятнинг муносиб фуқароси қилиб тарбиялаш, уларнинг интеллектини ўстиран ҳолда келажакда муносиб ўринларини эгаллаши ҳақида фикр ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: ёшлар, китоб, ота-она, оила, маънавият, китобхонлик, тафаккур.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, она Ватанимиз, халқимизга муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашда китобхонлик ҳамда китоб тарғиботини кучайтириш, ахборот-кутубхона фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Китобнинг инсон ҳаёти, кишилик жамияти маънавий тараққиётидаги бекиёс ўрни қадимдан маълум. У дунёни таниш, билим бериш билан бирга гўзалликка муҳаббат уйғотиш, ундан завқланиш, ёвузликдан нафратланиш туйғусини пайдо қилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Бугун битта китоб ўқиган бола, эртага телевизор кўрган ўнта болани бошқаради” деган бу сўзлари шунчаки шиорона, баландпарвоз иборалар эмас. Балки, мамлакатда фармон қарорлар билан мустаҳкамлаб борилаётган ҳаёт-мамонт масаласидир.

“Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ҳам мана шу улғувор мақсадларнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Оила китобхонлиги бу – оила аъзоларининг ақл-заковати ва юксак маънавиятини шакллантирувчи, инсон маънавий дунёсини бойитувчи, китобга меҳр-муҳаббат ҳамда уни заруриятга айлантиришнинг маълум тизимидир. Бу тизим ўсмирларнинг ақлий, маънавий, ахлоқий, эстетик ривожланиши тизимидан иборат бўлиб, ўзбек оилаларининг китобхонликка доир бой анъанаси ва ҳозирги даврда тўпланган бой тажрибасига асосланади.

Бугунги кунда китобхонлик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. Бу масалалар ниҳоятда мураккаб бўлиб, болаларнинг китобхонликка бўлган муносабатини белгилайди. Тан олиш керак, ёшларимизнинг бугунги

китобхонлик даражаси юксак даражада эмас. Бу ижтимоий муаммодан чиқишнинг ягона йўли ота-онанинг ёрдамга келишидир. Мактабда ўқитувчи, уйда ота-она болада китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиши керак. Бунда оддийдан мураккабликка, яъни мураккаблиги жиҳатидан нормал, боланинг камолот даражасига мос бўлган китоблар танлаш қўл келади. Шарк мутафаккирларининг тажрибасига кўра, китобхон қайси мавзуга кизикса шу мавзудаги китобни такдим қилиш, китоб ўқишга кўникма ҳосил қилгач эса аста-секин унга ихтисослашган китоблар такдим қилиб борилади.

Ота-онанинг болада китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилишдаги илк вазифаси китоб танлаб беришдир. Уларнинг савиясига мос бўлган адабиётларни кенг тарғиб қилиш ёшларни жамиятнинг муносиб фуқароси, мустақил давлатимизнинг етуқ, баркамол инсонлари бўлиб етишиши учун ва маънавиятнинг юксаклиги билан оиласига ва жамиятга фойда келтиришга олиб келади. Китоб танлашда китобхоннинг маънавий даражасини ҳисобга олиш бирмунча мураккаб омилдир. Бунда боланинг маънавий даражасига таяниш, унинг интеллектуал ўсишига олиб келади. Боланинг ёш хусусиятини, психологик имкониятларини ҳисобга олиш унинг рационал ўсишига олиб келса, маънавий даражасини ҳисобга олиш эса интеллектуал ривожлантиради. Бу эса рационалликдан кўра кенг қамровли ва самаралидир. Шунинг учун бутун оилада китобхонлик руҳи бўлиши керак.

Бунда оиладаги китобга бўлган муносабат, биринчи навбатда, ота-онанинг китобга бўлган муносабати муҳим омил ҳисобланади. Оилада китобхонлик руҳи бўлса, бу бевосита боланинг руҳиятига ҳам таъсир этади. Юқорида таъкидланганидек, бунда илк тавсияни бадиий адабиётдан бошлаб, кейинчалик маълум бир ихтисослар бўйича китобларни тавсия этиш мумкин.

Бошлангич боскичларданок ўсмирнинг маънавий дунёси, тарбия муҳити, қизиқиши, дунёкараши ва психологик хусусиятлари ҳисобга олиниб, ихтисослашишга борилиши керак. Бу тажриба Америка таълим тизимида ўзини оқлаган. Америка тажрибасига асосан, болани 12 ёшга кадар ихтисослаштиришга ҳаракат қилинади ва шу асосда китоб танлаб берилади. Бунда асосий натижа ўсмирда мустикал фикрлаш ва ҳаракат қилишга интилишнинг пайдо бўлишига эришилди.

Ота-она бола учун китоб танлаётганида китобнинг маъно-мазмуни, услубий жиҳатдан мутахассис тавсиялари асосида танлаши мақсадга мувофиқ. Бу тарбиянинг асосий йуналишидан чалғимасликка, бола маънавий дунёсининг тўғри шаклланишига ва қуйилган мақсадга етишишга олиб келади. Бу ўзбек миллий педагогикаси тажрибасидан ҳам маълум. Улар талабга жавоб бермайдиган китобни ўз фарзандига ўқишни катъий тақиқлаган. Бугун ҳам бу тарбия жиҳати муҳим саналади. Ота-оналар тарбия жараёнининг натижаси бўлган китобхонлик билан кўпроқ қизиқиши керак. Шу маънода ўсмирлар китобхонлигини мониторинг

қилиб бориш мақсадга етишнинг самарали жиҳатларидан биридир.

Мониторинг, ўқилган китоблар юзасидан савол-жавоблар, китобхонлик кечалари, мулоқот, давра суҳбатлари, турли мавзуларда мунозаралар, илмий-амалий анжуманлар, суҳбатлар, социологик-эмпирик тадқиқотлар ва аналитик текширувлар воситасида амалга оширилиши мумкин. Китоб ўқишни мониторинг қилиб боришда хориж тажрибаларига мослашни янада мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, болаларнинг илк китобга бўлган қизиқиши ва иштиёқи унинг ўз оиласида шаклланиши, ёшларга китобни асраш ва уни ўзидан кейинги оила аъзоларига ёки бошқаларга етказиш кўникмасини тўғри ривожланишнинг асосий манбаи бу оиладир. Қўпинча биз қузатган оилаларда китоб танлаш, уни ўқишга эътибор берилади-ю, лекин авайлаб-асрашга, китобга меҳри тарбиялашга бефарқ қарайдилар. Куза-

тишлар натижасида дарсликлар, жуда кўп рангли болаларбоп китоблар йиртилиб, чизилиб, ахлат қутиларига ташланганлигининг гувоҳи бўлдик. Болаларга “Китоб ҳам нондек азиз” лигини тушунтиришда катталарнинг ўзи ибрат бўлиши зарур. Олимларнинг фикрича бир одам бутун умри буйи 2000 та китоб ўқий олиш имкониятига эга экан. Якуний мақсадимиз, болалик, кейинчалик ўсмирлик йилларида ўқилган китоб унда бир умрга ёрқин таасуротлар қолдиришини ёшлар руҳига тўғри сингдиришдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асари
2. Аҳмад Югнакийнинг “ Ҳиббат ул-хақойиқ” асари
3. Амир Темурнинг “Темир тузуклари” асари
4. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университетининг марузалар матни
5. Lex.uz сайтидан Президент Қарорлари
6. Ziyonet.uz интернет сайти

THE NEED TO TEACH ENGLISH TO CHILDREN

Khusainova Zarina Bakhtiyorovna

Gulistan City 6-general secondary school teacher of English language,
Gulistan. Uzbekistan.

BOLALARGA INGLIZ TILINI O'RGATISH ZARURATI

Xusainova Zarina Baxtiyorovna

Guliston shahar 6-umumiy o'rta ta'lim maktabi ingliz tili fani o'qituvchisi, Guliston.
O'zbekiston.

***Annotation:** in this article, the need to teach foreign language to young children, in particular English, the importance of this, the work carried out in our country on this front, the existing problems are briefly highlighted.*

***Annotatsiya:** Ushbu maqolada, yosh bolalarga xorijiy til xususan ingliz tilini o'rgatish zarurati, buning ahamiyati, bu jabhada yurtimizda amalga oshirilayotgan ishlar, mavjud muammolar qisqacha yoritib berilgan.*

Keywords: achievements of World Science, active, creative, formation of a spiritually mature personality, educational and methodical guides that teach speech as a lesson, such as natural inclinations, child thinking, fairy tales, poems, songs, spiritual, emotional, aesthetic status of a child, etc.

Kalit so'zlar: jahon ilm-fani yutuqlari, faol, ijodkor, ma'naviy jihatdan etuk shaxsni shakllantirish, tabiiy moyillik, bola tafakkuri, ertak, she'r, qo'shiq kabi ibrat bo'ladigan nutqni o'stiruvchi o'quv-metodik qo'llanmalar, bolaning ruhiy, emotsional, estetik holati, va boshqalar.

Hozirgi kunda oliy ta'lim, maktab, litsey, kollejlilar bilan bir qatorda maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyalanuvchilariga ham chet tillarini o'rgatish yo'lga qo'yilgan. Chunki har jihatdan rivojlangan davlatlarning tillarini o'rganish jahon ilm-fani taraqqiyoti yutuqlarini egallashning asosiy omillaridan. Maktabgacha ta'lim tashkiloti ta'limning birinchi qadami bo'libgina qolmay, balki faol, ijodkor va ma'naviy jihatdan etuk shaxsni shakllantiruvchi ilk pog'ona hamdir. Buni "Maktabgacha ta'lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari

to'g'risida"gi farmon, "O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi Qarori bunga dalildir. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim-tarbiya jarayonini yuqori saviyada tashkil etish tarbiyalanuvchilarga ta'limning keyingi bosqichlarida qiynalmasdan davom ettirishga imkoniyat yaratadi. Til o'rganish ham yosh davrlarga bog'liq. Psixologlarning ta'kidlashicha, bolalar kattalarga nisbatan chet tilini tez, oson o'zlashtiridilar. Bolalarda til o'rganishga bo'lgan tabiiy moyillik, ularda taqlid qilish xususiyati kuchli ekanligi, kattalarga

qaraganda bolalarning bo'sh vaqti ko'pligi buning asosiy sabablaridir. Shuni e'tiborga olish kerakki, 5-6 yoshli bola so'zlar ma'nosini tushunib emas, unga to'g'ridan-to'g'ri yondashadi, shundayligicha yodlab oladi. Shuning uchun maktab yoshiga etmagan bolalarga chet tilini o'rgatishni grammatik tushuncha berishdan boshlamaslik kerak. Bunday vaziyatda bolada zo'riqish hosil bo'ladi, til o'rganishga bo'lgan qiziqish yo'qoladi. Kichik yoshdagi bolalarga chet tilini o'rgatishda ularning yosh va psixologik-individual xususiyatlarini e'tiborga olish kerak. Bugungi kunda maktabgacha yoshdagi bolalarning ota-onalari ham bolalarining yoshlikdan til o'rganishlariga qiziqish vama'suliyat bilan yondashmoqda. Biroq, kichik yoshdagi bolalarga chet tillarini, xususan, ingliz tilini o'rgatishga doir ilmiy-metodik qo'llanmalar bizda etarlicha emas. Bu bolalarning chet tillarini o'rganishlarida muammolarni vujudga keltirmoqda. Xorijiy mamlakatlarda bog'cha va boshlang'ich maktab sharoitida xorijiy tillarni integratsiyalashtirib o'rgatish, ya'ni bolalarga til o'rgatishda faqat amaliy maqsadlar bilan chegaralanib qolmay, bolaning tafakkurini rivojlantiruvchi vazifalarni rejalashtirish muhimligi e'tiborga olingan. Bunday munosabat o'quv materiallari va usullarning yangi turlarini jalb etishni taqozo etadi. Bu xorijiy tillarni o'rgatish mazmunini yangilash, ta'lim berishda yuzaga keladigan ayrim psixologik qiyinchiliklarni engib o'tishga imkon beradigan samarali yo'llardandir.

Yosh bolalarga bugungi kunda xorijiy tillarni o'rgatish yuzasidan quyidagi

masalalarga va ularning echimiga yanada ko'proq e'tibor qaratishimiz zarur:

- ibrat bo'ladigan nutqni rivojlantiruvchi o'quv-metodik materiallarning yangi turlarini ishlab chiqish;

- bolaning ruhiy, emotsional, estetik jihatdan rivojlanishi va nutqining o'sishida muhim omil bo'ladigan she'r, qo'shiq, ertak, topishmoqlarning mazmun-mohiyatiga alohida e'tibor qaratish;

- ingliz tilini o'rgatishda o'quv materiallaridan foydalanish bilan bog'liq nazariy va amaliy masalalarni ishlab chiqish.

Hozirda yurtimizda xorijiy tillarni o'rganishga va o'rgatishga e'tibor yuqori bo'lsa-da, maktabgacha yoshdagi bolalarga chet tillarini o'rgatishning didaktik tamoyillari to'liq yaratilmagan. Maktabgacha yoshdagi bolalarning ingliz tili lug'atini ko'paytirish, so'z boyligini o'stirish, so'zlashish jarayonini tezlashtiradi. Bu o'rinda she'r, qo'shiq, ertak, topishmoqlardan foydalanishning ilmiy-nazariy asoslari, samarali metodlarini ishlab chiqish zarur. Negaki, ertak, she'r, qo'shiq, topishmoqlar dunyoqarashni, tafakkurni kengaytirish, qobiliyatni, nutqni o'stirish jihatdan noyob o'quv materiali hisoblanadi.

Ona tilini o'rgatish borasida ularning imkoniyatlari keng yoritilgan. Chet tillarini, xususan, ingliz tilini erta o'rgatish metodikasida ertak, she'r, qo'shiq, topishmoqlardan o'quv materiali sifatida foydalanish masalalari hali yaxshi o'rganilmagan. Ingliz tilini o'rgatish mashg'ulotlarida mazkur o'quv

materiallaridan foydalanish nutqni oʻstirish jarayonida taʼlimning rivojlantiruvchi, tarbiyaviy va amaliy jihatlarni qoʻshib olib borishga ham katta imkoniyat yaratadi.

Demak, maktabgacha taʼlim muassasalarida ingliz tilini oʻrgatishni didaktik loyihalashtirish keng koʻlamli hal qilinishi lozim boʻlgan masalalardandir. Bu masalalarni oʻrganish, amaliyotga tadbqiq qilish bugunning asosiy vazifalaridan. Chunki, yoshlar uchun moʻljallangan ingliz tili mashgʻulotlari bolalarda oʻrganilayotgan tilga nisbatan qiziqish uygʻotishi, oʻsha tilda muloqot qilishga doim chorlab turishi lozimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati

1. “Maktabgacha taʼlim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni. 30.09.2017 y.
2. “Oʻzbekiston Respublikasi maktabgacha taʼlim vazirligi faoliyatini tashkil etish toʻgʻrisida”gi Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Qarori. 30.09.2017 y.
3. Denisenko O.A. Metodika rannego obucheniya angliyskomu – 166 yazoʻku na osnovе proizvedeniy detskoy angloyazochnoy literaturoʻ (dlya shkolnikov shestiletnego vozrasta): avtoref. dis. Tambov, 1995 g.
4. Yoralieva U.Q. Maktabgacha taʼlim tizimida xorijiy tillarni oʻqitishning oʻziga xos xususiyatlari va unda interfaol usullardan foydalanishning imkoniyatlari//GʻGʻ Zamonaviy taʼlim jurnali. – T., 2014, 9-son.

O‘ZBEK TILIDAGI TURG‘UN O‘XSHATISHLARNING LINGVOKULTUROLOGIK XOSLIKLARI

G‘aniyeva Lobar Sa‘dulla qizi

Toshkent shahar Olmazor tumani

233-maktabning o‘zbek tili o‘qituvchisi

Lganiyeva90@mail.ru

***Annotatsiya:** Turg‘un o‘xshatishlarning milliy madaniyat bilan bog‘liqligi o‘rganilgan, lingvokulturologik jihatlar misollar yordamida tahlil qilingan, o‘zbek tilidagi o‘xshatishlarning o‘ziga xosligi isbotlangan.*

Kalit so‘zlar: turg‘un o‘xshatishlar, o‘xshatish etaloni, lingvomadaniyat, laqablar, obrazli qiyoslash

Lingvocultural features of stable analogies in Uzbek language

***Abstract:** The connection of stable analogies with national culture has been studied, lingvocultural aspects have been analyzed with the help of examples and the specificity of analogies in the Uzbek language has been proved.*

Key words: stable analogies, etalon analogy, lingvoculture, sobriquets, figurative comparison

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСВА УСТОЙЧИВЫХ АНАЛОГИЙ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

***Аннотация:** Исследована связь устойчивых аналогий с национальной культурой, лингвокультурологические аспекты проанализированы на примерах, доказана специфика аналогий в узбекском языке.*

Ключевые слова: Устойчивых аналогий, эталон аналогия, лингвокультура, прозвище образное сравнение.

Turg‘un o‘xshatishlar xalqning o‘ziga xos ko‘rish va idrok yo‘sinini, obrazli tafakkur va tahayyul intizomini ham aks ettiradi. Shuning uchun ham tadqiqotchilar qayd etishicha, obyektiv olamdagi narsahodisalar o‘rtasidagi komparativ aloqalarni ijodkorlar obrazli qiyoslash asosida son-sanoqiz va xilma-xil o‘xshatishlar yaratsalar-da, ularning juda oz qismi tilda turg‘unlashadi. Chunki bunday o‘xshatishlar tilda xalqning tajribalari, urf-odatlari, madaniyati va tarixining

o‘ziga xos jihatlariga muvofiq ravishda saralanishi bois turg‘un o‘xshatishlar milliy tus kasb etadi. O‘zbek tilidagi *musichaday beozor odam* o‘xshatishi boshqa tirlarda deyarli uchramaydi. Musichaday o‘xshatish etalonida milliy-madaniy konnotatsiya mavjud, unda beozorlik belgisining o‘zbekka xos ta‘kidi yaqqol o‘z ifodasini topgan. Musichaga xos yumshoq tabiat va harakat o‘zbek idrokida ijobiy talqin topishidan tashqari, bu mushfiq qush haqidagi islomiy rivoyat ham

o'xshatishning turg'unlashishiga sabab bo'lgan, desak haqiqatdan yiroq bo'lmaydi.

Bundan tashqari tulki etaloni bilan bog'liq qiyoslash shu darajada ko'p qo'llanilganligidan etalonning yaxlit o'zi ishlatiladigan laqab darajasiga chiqqan. Laqablar ham aynan obrazli idrok natijasida yuzaga keladi. Laqablar turg'un o'xshatishlar rivojlanishining so'nggi bosqichi desak, xatoga yo'l qo'ymaymiz. Bunga misol qilib tulki, bo'ri, ayiq, mesh-polvon, epaqa kabilarni keltirishimiz mumkin. O'rta asrlarda Yevropada feodal-larni tanbal ayiq, izg'ib yuruvchi ritsarlarni bo'ri deyishgan. Keltirilgan misollar o'xshatish qurilmasi shaklida ham, laqablar shaklida ham tilimizda qo'llaniladi. Bu ham o'xshatishlarning xususiy lingvokulturologik tabiatidir.

O'xshatishlarni lingvokulturologik jihatdan tahlil qilar ekanmiz, bu nuqtayi nazardan tahlil qilishda o'xshatish etaloning o'rni alohida ahamiyatga ega ekanligini yana bir bor ta'kidlaymiz. Aynan etalon milliy madaniyatni, mentalitetga xoslikni o'zida qamrab olgan bo'ladi. Masalan, it qadimdan insoning do'sti, sadoqat timsoli bo'lib kelgan. O'zbek tilida asosan shu ma'nodagi va sadoqatlilikni ko'rsatish uchun qilinadigan itning harakatlariga nisbatan shakllangan turg'un o'xshatishlar mavjud: Soddaligi bois qishloqda uncha obruyi yo'q. Biroq do'stga **itday sadoqatli**. (N. Norqobilov. G'animlar). Echkisiga sal tekkanimda **itday taladi** (A.Obidjon. Serkaxonim). Na halol na harom neligin bilmay, ikkisin ortidan **itdek yugurdik** (A.Mahkam. Iymon deb...). Savil qog'ur chorak bo'g'doyni o'n baravar qilib qay-

tardim, o'n yildan beri **itday ishlab ham berdim**, yana gunoh men-da ekanda taqsir! (M. Ismoiliy. Farg'ona tong otuncha). Keltirilgan gaplardagi barcha o'xshatishlar itning sadoqat bilan mehnat qilishiga ishora qilgan. Bu o'z-o'zidan itning xalqimiz tasavvurida sadoqat timsoli ekanligini ko'rsatadi.

Ilon hindlarda go'zallik ramzi, kuch-qudratlilik belgisi hisoblansa, bizning xalqimizda dushmandan darak beruvchidir. Hattoki tushga ilon kirganda ham kim bilandir qastlashish, dushmanlikka borish haqida aytiladi. Shu sababli bu etalon bilan bog'liq o'xshatishlar salbiy ma'no kasb etadi: Anovi ablah bo'lsa bir so'z bilan **ilondek chaqib** qariyaning ko'nglini chilparchin qilgan (O'. Hoshimov. Nur borki, soya bor); Darg'azab shamol uni iziga qaytarish uchun sochlaridan, etaklaridan tortqilayapti, panna-panada **ilonday sovuq** va badbashara qo'llar unga tosh otyapti (N. Eshonqul. Momoqo'shiq); Hakimboyvachcha **ilonday to'lg'ondi**. Bu qanday sharmandagarchilik? (Oybek. Qutlug' qon). Keltirilgan misollardan ko'rish mumkin, ilon bizning mentalitetimizda yomonlik, yovuzlik timsoli hisoblanadi. Xitoy va koreyada esa «Ilonga o'xshaysana» degan gap qiz bola uchun yuksak maqtov hisoblanadi. Chunki ularda ilon donolik, go'zallik va ephillik ramzidir.

Lingvomadaniyatlarining aksariyatida ayni o'xshatish etalonlari turli belgilarning o'lchovi sifatida qo'llanilishi mumkin: o'zbek tilida qo'ydek yuvoshlik, turk tilida koyun gibi "ahmoq, dovdir", "qaror berishda yoki hatti-harakatlarida boshqalarga tobe bo'lgan", rus tilida овца etaloni

qo'rqoqlik; o'zbek tilida bo'riday "dov-urak, mard", "g'ajimoq, tish qayramoq", turk tilida kurt gibi "ishning ko'zini biladigan", rustilida как волк "och"; o'zbek tilida ho'kizday "qaysar", "katta qo'pol", "kuchli", "ishlamoq", turk tilida okuz gibi "ahmoq, tushunchasiz" kabilarni keltirishimiz mumkin.¹

Ba'zi lingvomadaniyatlar uchun me'yor hisoblangan o'xshatish etlonlari boshqa xalqlarning lisoniy mental an'analari uchun begona bo'lishi mumkin. Masalan, o'zbeklarda xushbichim qomatli ayollarga nisbatan **sarvd**ay, turklarda gavdali ayollarga **at gibi** o'xshatishi qo'llaniladi. Hindlarda sohibjamol qizning yurishi filning ulug'vor va mahobatli qadam tashlashiga muqoyasa qilinadi. Yoki hind ayoli sigirga qiyoslanganda u xursand bo'ladi, chunki hind xalqining idrokida sigir go'zallik timsoli sifatida gavdalanadi. Shuningdek, sigir Hindistonda muqaddas jonivor sanaladi. O'zbek ayollarini, farishtaga o'xshatish ularga manzur tushadi, negaki, o'zbeklarda farishta gunohsiz va bokira ollohning elchilaridir. Shuningdek, o'zbek lingvomadaniyati uchun ayollarning yuzini oyga, olmaga, ba'zan kulchaga; inglizlarda olchaga, atirgulga (as red as a cherry /rose/), xitoy va koreyslarda o'rikka, majnuntol novdasiga qiyoslash miyoriy hol hisoblanadi. Bundan tashqari, ayni tushuncha turli lingvomadaniyatlarda o'zgacha ifoda vositalari, ya'ni boshqacha o'xshatish etalonlari yordamida aks etrilishi mumkin. O'zbeklar tinimsiz ishlaydigan, mehnat qiladigan

kishilarni chumoliga (chumoliday), turklar esa ariga o'xshatadilar (ari gibi).

Dunyoni obrazli qiyoslash maqsadida istifoda etiladigan bazi o'xshatish etalonlari boshqa lingvomadaniyatlarda frazeologizm yoki metafora ko'rinishida namoyon bo'lishi ham mumkin. Masalan, o'zbek madaniyatida "imillamoq, sudralmoq" ma'nosida qo'llaniladigan *toshbaqaday* etaloni koreys madaniyatidagi kabo'k thata (toshbaqa minmoq) frazeologizmiga muqobil bo'ladi. O'zbek tilida "semirmoq", "ko'p ovqat yemoq"ni anglatadigan cho'chqaday o'xshatish etaloni koreys tilida tweji (cho'chqa)ko'rinishida metaforaga aylanganini ko'rishimiz mumkin. O'zbek tilidagi musichaday beozor (odam) o'xshatishini boshqa tilalarda uchratish qiyin. Musichaday o'xshatish etalonida milliy-madaniy konnotatsiya mavjud. Unda beozorlik belgisinig o'zbekka xos ta'kidi yaqqol o'z ifodasini topgan. Musichaga xos yumshoq tabeat va harakat o'zbek idrokida ijobiy talqin topishidan tashqari, bu mushfiq qush haqidagi islomiy rivoyat ham musichaday etaloninig an'anaga kirishiga ta'sir etgani ehtimoldan holi emas. Ana shu tariqa musichaday beozor turg'un o'xshatishi beozorlikning o'zbekcha o'lchovi sifatida tamoman milliy obraz maqomini olgan.² Shuningdek, musicha o'zbeklar yashaydigan hududning tabeati va iqlimiga moslashgan. Ammo boshqa ko'plab lingvomadaniyatlarda beozorlik timsoli sifatida "kabutar" qabul qilingan.

1 Усманова Ш. Лингвокультурология. – Ташкент: Университет. 2014. Б 57-58

2 Махмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Ташкент: Маънавият, 2013. 10-116

O'zbek she'riyatida tunday o'xshatishdan sochning qoraligini ifodalashda, timqora, ya'ni chiroyli, jozibador ko'zning charosga muqoyasa qilinishida fikrni obrazli ifoda etishning an'anaviy usuli mavjud. Umuman, o'xshatishlar har bir xalq tilining boyligi bo'lib, ular milliy dunyoqarash, dunyodagi hodisalarni milliy tasavvurlarga ko'ra taqqoslash, qiyoslash samarasi o'laroq shakllanadi va taraqqiy etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. 10-116
2. Усманова Ш. Лингвокултурология. – Тошкент: Университет. 2014. 57-58 б

References

1. Mahmudov N., Xudoyberganova D. O'zbek tili o'xshatishlarining izohli lug'ati. – Toshkent. Ma'naviyat nashriyoti, 2013. 10-11 b
2. Usmanova Sh. Lingvokulturologiya. Universitet nashriyoti. 2014. 57-58 b

TAQIQLANGAN FAOLIYATNI BAJARISH HISSINING MOTIVLARGA BOG'LIQLIGI.

Temirova Shahnoza Jo'raqulovna

Qashqadaryo viloyati Dehqonobod tumani 59-maktab amaliyotchi psixologi,
Qashqadaryo, O'zbekiston.

***Annotatsiya:** Ushbu maqola insoniyatni azal-azaldan qiziqtirgan taqiqlangan faoliyatga kirishish istagining psixologik xususiyatiga bag'ishlanadi. Ayniqsa, kundalik turmushda, ta'lim muassasalarida, oilada bolalar va o'smirlar tarbiyasi bilan shug'ullanishda muayyan faoliyatni man etish qonuniyatlari, sabablari tushuntirib berilmasa, kishida qiziqishning ortishi, shu faoliyat bilan shug'ullanish motivining paydo bo'lish xususiyatlariga doir nazariy – amaliy bilimlarni mujassamlaydi. Mazkur maqola maktab amaliyotchi psixologlari, pedagoglar, ota-onalar shuningdek, bolalar va o'smirlik davridagi psixologik muammolari bilan qiziquvchi keng kitobxonlar ommasi uchun mo'ljallangan.*

*Insonlar. Barchangiz o'xshaysiz ekan
Birinchi onamiz momo havoga:
Sizga nima qismat bo'lsa jalb etmas
Ilon chaqiradi sizni har nafas,
Imlar sirli daraxt, sirli mevaga.
Man etilgan meva istaysiz faqat,
Usiz jannat sizga emasdir jannat!
Aleksandr Sergey Pushkin*

Inson jamiyatda yashar ekan, u bolalik chog'idanoq shu jamiyatning belgilangan tartib-qoidalarini bilib boradi. Jamiyatning tartib-qoidalari kishi dunyoqarashining, e'tiqodining tarkibiy qismidir. Hali bola "nima yaxshi-yu, nima yomon" ligini bilmasligi tabiiy. Biroq katta yoshdagi odam ham o'zining hech bo'lmaganda ayrim taqiqlangan hatti-harakatlarga nisbatan munosabatida xulq-atvorning jamiyat tomonidan belgilangan normalariga rioya qilmaganini tushunmasligi mumkin. Boshqa hollarda esa odamning jamiyat tomonidan belgilangan qoidalari haqidagi bilimlari chuqur bo'lmasligi mumkin. O'z-o'zidan ravshanki, inson o'zi

yashab turgan jamiyatning qonun-qoidalarini yaxshi bilsa ham, ular bilan kelishmaslik, taqiqlangan normalarga bo'ysunmaslik holatlari kuzatiladi. Buni amaliy faoliyat nuqtai nazaridan ko'rib chiqib, ilmiy izohlashga harakat qilamiz.

2019-yilning kech kuzida Xitoyda boshlangan va o'ta og'ir kechgan koronavirus pandemiyasi bugungi kunda butun jahon xalqlarini qamrab olib, odamzodni birma-bir sinovdan o'tkazmoqda. Afsuski, bu bizning yurtimizni ham chetlab o'tmadi. Aynan mamlakatimizda karantin e'lon qilingan bir paytda muhtaram yurtboshimiz tomonidan tezkor chora-tadbirlar ishlab chiqilib, amalda joriy qilindi.

Buning zamirida xalqimiz manfaati, salomatligi va albatta tinchligi yotadi. O'z vaqtida amalga oshirilgan targ'ibot-tashviqot ishlari, fidoyi kishilarning sayi harakatlari va xalqimizning birdamligi evaziga bu sinovli damlarni yengib o'tmoqdamiz va yengib o'tamiz, nasib. Shunday og'ir vaqtda barchadan so'ralayotgan karantin qoidalariga qat'iy amal qilish majburiyati har kimga har xil ta'sir qiladi. Bu esa kishining individual psixologik xususiyatlariga, hissiy-emotsional va irodaviy holatlariga bog'liq.

Odamning hayoti uchun zarur muayyan shart-sharoitlarga bo'lgan har qanday muhtojligi uni ana shu shart-sharoitlarni bunyod etishni talab qilishida o'z ifodasini topadi va unda ehtiyoj hissi tarzida namoyon bo'ladi. Ehtiyojni qondirishga intilish ba'zi paytda inson tomonidan yaxshi anglanilmaydi, bunday holatlarni istak deb ataymiz yoki to'la anglanilgan va maqsadga qaratilgan bo'ladi, bunday intilish xohish deb ataladi. Jonli mavjudodning hayot kechirish shart-sharoitlariga uning qaramligini ifoda etuvchi va bu shart-sharoitlarga nisbatan uning faolligini vujudga keltiruvchi holatiga ehtiyoj deyiladi. Ehtiyojlar kelib chiqishiga ko'ra tabiiy va madaniy, ehtiyoj predmetining xarakteriga ko'ra moddiy va ma'naviy bo'ladi. Insonda elementar biologik ehtiyojlar odam organizmining faoliyati tufayli yuzaga keladi. Faol faoliyat insoniyat madaniyatining mahsuliga bog'liq ekanligi kishining madaniy ehtiyojlarida ifodalanadi. Ehtiyojlarning qondirilishi bilan bog'liq bo'lgan faoliyatga undovchi va uning yo'nalishini belgilovchi sabablar motivlar deb ataladi. Ehtiyojlar, qiziqish-

lar, his-tuyg'ular va fikrlar odamni faoliyatga undovchi motiv bo'lishi mumkin. Bunday psixik holatlarning insonda mavjudligi tufayli taraqqiyot va yangilanishlar sodir bo'ladi. Biroq bu – yangilik yaratishi, kashfiyot qilishi uchun inson har qanday ishni bajarishi mumkin, degani emas. Vaholangki, faoliyatlar jarayonida jamiyat tomonida belgilangan ayrim taqiqlar uchraydi, bu – insonning xavfsizligini, tinchligini ko'zlab qo'yilgan to'sqinlikdir. Ammo ana shu taqiqlangan faoliyatni bajarish insonda uning uchun rohat bag'ishlovchi istak tug'diradi.

Tarixga nazar tashlasak, man etilgan narsaning shirin tuyulishi haqidagi g'oya qadimdan ko'pgina xalqlarning afsona va ertaklarida o'z ifodasini topgan. Jumladan, Islom dinining muqaddas kitobi Qur'on-u Karimning Odam Ato va Momo Havo haqidagi rivoyatida bu yaqqol o'z aksini topgan. Unda taqiqlangan bug'doy mevasini iste'mol qilgani uchun Odam Ato, Momo Havo Allohning g'azabiga uchragan va jannatdan badarg'a bo'lgan. Allohning ta'biricha, taqiqlangan meva shaytonga tegishli bo'lib, uni iste'mol qilish orqali odamda yovuzlik, qabixlik singari shaytoniy xislatlar paydo bo'lgan ekan. Shuning uchun ham aynan shu mevani yeyish taqiqlab qo'yilgan ekan.

Qadimgi yunon mifologiyasida aytilishicha, Pandora ismli bir qiz Zevs xudosidan insoniyatning butun baxtsizlik va kulfatlari solib, qulflab qo'yilgan sandiqni oladi. Ko'pchilik qizlar singari, Pandora ham bilishga juda qiziquvchan qiz edi, shu sababdan sandiqni ochib ko'rmaslikka uning sabri chidamaydi, buning ustiga sandiqni ochish qat'iy man qilingan edi.

Qaysarligi sababli, pirovardida qiz sandiqni ochadi va butun kulfatlarni yorug' jahonga chiqarib yuboradi. Taqiqlangan ishni qilmaslikka sabri chidamaslik Perro ertaklaridan birida Zangori soqol xotinlarining o'limiga sabab bo'lgan.

Ammo faqat ertakda emas, balki turmushda ham agar odamga "Qilma", "Mumkin emas", degan gapni aytasangiz, shuning o'zi ko'pincha odamda taqiqlangan ishni bajarish istagini uyg'otadi. Man qilingan narsa turli sharoitlarda ahamiyati bir xil bo'lmagan sabablar tufayli qiziq tuyiladi. Bilishga intilish, noma'lumni bilish havasi har bir alohida shaxs uchun ham, umuman butun insoniyat uchun ham ijobiy sifat hisoblanadi. Noma'lum narsa man qilinmasa, u kishi diqqatini o'ziga jalb qilmagan bo'lar edi. Man qilish faqat diqqatni jalb etib qolmay, balki diqqatning taqiqlangan narsani tahlil etishiga ham olib keladi. Axir yaratilgan yangiliklar, kashfiyotlar va ilmiy izlanishlar zahirida insoniyatga noma'lum narsalarni ochib berishga bo'lgan qiziqishi yotadi-ku. Qiziqish malaka va ko'nikmalarning rivojlanishiga, o'rganishga moyillik tug'diradigan bilimlarni egallashga yordam beradigan ijobiy hissiy holat sifatida tariflanar ekan, bu holat insonga taqiqlangan faoliyatning natijasi mavhum bo'lsa, bu jumboqni yechishga uni undashi tabiiydir. Taqiqlashning o'zi, agar nima sababdan taqiqlanayotganini tushuntirib berilmasa yoki inson buni tushunib yetmaguncha, xar xil taxminlar, gumonlar, mish-mishlar tug'ilayveradi. Odamda biror ishni qilmaslik kerakligiga sabab nima ekanligini bilishga haqli ravishda istak uyg'otadi va

hatto inson o'zida sinab ko'rishdan ham tonmaydi.

Tarbiya jarayonida ota-onalar ko'pincha taqiqlashning o'zi bilan cheklanib, "qilma" deb talab qilishlarining sababini tushuntirib bermaydilar. Bu juda muhim omil hisoblanadi. Man etilgan narsa yoki faoliyatning asosli ekanligiga ishonmaslik uning to'g'riligiga shubha uyg'otadi va kishida taqiqlarni buzishga qiziqish uyg'otadi. Agar bola bu faoliyatning oqibatini anglab yetsa, u itoatkor bo'ladi. Bugungi kunda televizorda "UYDA QOLING!", "O'zingiz va oila a'zolaringizni koronavirus balosidan asrang!", deb da'vat etishganlaridan keyin uning oqibatida qanday xavfli halokatga yo'liqishi mumkinligini bilgan ongli inson, agar zarur ishlari bo'lmasa, taqiqqa bo'sunadi. Shuningdek, bugungi kunda o'smirlarga bag'ishlangan suitsid profilaktikasi haqidagi ma'ruzalar, taqdimotlar ham ularga bu hodisaga nisbatan kuchli qiziqish uyg'otishi mumkin. Shuning uchun o'smirlar o'rtasida bu mavzuni muhokama qilish unchalik ham to'g'ri emas. Bundan tashqari, tarbiya jarayonida ibrat-namuna bo'lish ham muhim ahamiyatga ega. "Dadamning o'zi chekadi-ku, menga mumkin emas", – degan fikr kishini taqiqlangan narsani o'zida sinab ko'rishga undaydi. Taqlid qilish yoki suqlanish hissi ham man qilingan narsani qilishga undovchi omil hisoblanadi. "Chekishga hali yoshlik qilasan, hali senga erta", – bunday deyish yoshlarning o'zidan kattalarga suqlanib qarashini kuchaytiradi va yashirincha tamaki chekish yo'lga sudraydi. Bunday vaziyatda ota-ona bolalarga har tomonlama o'rnak bo'lislari kerak.

Kartoshkaning Amerikadan Fransiyaga keltirilish tarixiga e'tibor qaratsak, Fransiyada kartoshka uzoq vaqt ekilmay kelgan. Ruhoniyalar kartoshkani "shay-tonning olmasi" degan, vrachlar uni sog'liq uchun zararli hisoblagan, agronomlar esa, kartoshka yerning kuchini so'rib oladi, deb uqtirganlar. Lekin mashxur fransuz agronomi Antuan Parmante qiziq bir nayrang ishlatadi. U Fransiya qiroliga murojat qilib, kam hosilli hisoblangan ozroq bir yerga kartoshka ekishga ijozat so'raydi. Agronomning iltimosiga ko'ra qirol qo'shinlarining qurollangan askarlari kartoshka ekilgan maydonni faqat kunduzi qo'riqlab, kechasi uyga tarqatilib yuborilar ekan. Voajab, qarabsizki, taqiqlangan meva odamlarning e'tiborini darrov o'ziga tortadi va odamlar tunda kartoshka o'g'irlab, o'z tomorqalarida eka boshlaydilar.

Bu hodisada hamma uchun umumiy bo'lgan, biroq hamisha ham ko'zga yaqqol tashlanavermaydigan qonuniyatning namoyon bo'lishini ko'ramiz: insondagi qiziqishlar, his-tuyg'ular va faoliyatning qay yo'sinda bo'lishini belgilovchi muhim omil odamning biologik xususiyatlari, tabiiy ehtiyojlari emas, balki uni o'rab turgan ijtimoiy muhit, jamiyatning turmush sharoitlaridir. Har qanday ish-harakatning psixologik tuzilishi maqsad va motivlardan, ish bajarish jarayonida kishida tug'iluvchi qiziqish va xavotirlanish tuyg'ularidan, diqqatni shu ishga muayyan yo'sinda qarata bilish qobiliyatidan va umuman barcha psixik hodisala-

ning o'zaro bir-biriga ta'sir ko'rsatuvchi murakkab tuzilmasidan tashkil topadi.

Amaliyot va psixologiya tadqiqotlari bolalarning o'zlari uchun ahamiyatsiz bo'lgan faoliyatlarga qaraganda emotsional jihatdan bo'rttirilgan faoliyatlarni faolroq, puxtaroq va uzoq vaqtgacha eslab qolishlarini ko'rsatadi. Kishining hattiharakatiga qarab uning istagi nima-yu, o'zi nima qilayotganini ko'ra bilish nihoyatda muhim. Ammo odam faoliyatining motivlarini ko'ra bilish bundan ham muhimroqdir. Hamma vaqt bolani biror narsadan xabardor qilayotganda unda ijobiy his-tuyg'ularni uyg'otishga harakat qilish lozim. Agar tarbiya tufayli odam jamiyatning qonun-qoidalari haqida qat'iy ishonch hosil qilib, o'z hattiharakatlarini ana shu normalar bilan solishtirishga odatlangan bo'lsa, taqiqlangan faoliyatni bajarishdan o'zini tiygan bo'lar, keyinchalik unda vijdon azobi, afsuslanish, uyalish kabi salbiy hislar kuzatilmay edi. Bolani shunday ruhda tarbiyalamoq kerakki, uni faoliyatga undovchi motivlar jamiyatning axloq talablariga mos kelsin, bu esa avvalgi ikki ishga qaraganda ham yanada muhim hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. G'oziyev E.G'. umumiy psixologiya. – Toshkent: "O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati", 2010.
2. Karimova V. Murosa qilish odobi. – T.: Fan va texnologiyalar, 2008.
3. Karimova V.M. Salomatlik psixologiyasi yoxud sog'lom bo'lish uchun ruhiyatni boshqarish sirlari. – T.: Yangi asr avlodi, 2005.
4. www.ziynet.uz

XOTIRA JARAYONINI MUSTAHKAMLASH YO'LLARI.

Toshboyeva Nasiba

Qashqadaryo viloyati Dehqonobod tumani 85-maktab psixologi

Annotatsiya: Ushbu maqola shaxsning muhim psixik jarayonlaridan biri xotirani rivojlantirish va mustahkamlash qonuniyatlariga bag'ishlanadi. Ayniqsa, xotiraning esda olib qolish, esda saqlash, esga tushurish va tanish jarayonlarida amal qilish zarur bo'lgan usullari, shuningdek, xotira zaifligi profilaktikasiga doir nazariy va amaliy bilimlarni mujassamlaydi.

Mazkur maqola maktab amaliyotchi psixologlari, shuningdek, xotira samaradorligini o'stirishga qiziquvchi keng kitobxonlar ommasi uchun mo'ljallangan.

*Eshiting, ummatlarga qilgan saxovatimni:
Hisob bilsinlar deb raqam yaratdim, yozuvga o'rgatdim.
Shular hammasining bosh sababkori -
Ularga es berdim, xotira berdim.
Esxil.*

Agar tashqi dunyoning miya qobig'ida hosil bo'ladigan obrazlari beiz yo'qolib ketaversa, tajribaning shakllanishi mutloqo mumkin bo'lmay qolar edi. Bu obrazlar bir-biri bilan o'zaro turli xil aloqalar bog'lagan holda mustahkamlanib, saqlanib qoladi hamda hayot va faoliyat talablariga muvofiq tarzda yana qayta namoyon bo'ladi.

Odam ongi shunday izchil tartib bilan tuzilganki, unda aks etgan narsa va faoliyatlar birdan ochib ketmaydi. Ong tuzilishining izchilligi zaminida xotira yotadi. Xotira – bu o'tmishdagi tajribaning ongda eslab qolish, esga tushirish va tanish orqali aks ettirilishidir. Bosh miya po'stlog'ida yetarli darajada mustahkam muvaqqat nerv bog'lanishlarining vujudga kelishi onging bu tarzda aks ettirilish jarayonini tashkil qiladi.

Xotira mahsuldorligini oshirish haqida gapirar ekanmiz, bu jarayonning sa-

marali kechishida esda olib qolish jarayoniga diqqatimizni qaratmog'imiz joiz. Chunki fanda va o'qitish tizimida ma'nosiga tushunib esda olib qolish muhimroq bo'lib, boshqacha esda olib qolishlarga qaraganda puxtaroq va foydaliroqdir. Ma'nosiga tushunmagan holda so'zma-so'z esda olib qolish bu, quruq yodlashdir, inson o'z fikri o'rnida boshqalarning shu haqda aytgan gaplaridan birorta so'zni ham tushurib qoldirmay foydalanishi ma'nosiz esda olib qolishdir va bu tezroq unutib yuboriladi. Ma'nosiga tushunib esga olib qolishni mantiqiy esda qoldirish ham deb yuritiladi va bu murakkab psixik jarayonning yakunidir. Mantiqiy esda olib qolishning bosqichlari quyidagicha:

- Esda olib qolingan materialning ma'nosiga tushunish;
- Materialni analiz qilish;
- Eng muhim fikrlarni ajratib olish;

- Umumlashtirish, xulosa chiqarish;
- Umumlashtirilgan materialni esda olib qolish.

Mana bu sonlarni faqat bir marta e'tibor bilan o'qib chiqib, yodlashga harakat qiling:

64 93 57 68 74 49 37 52 46 39 74

Shulardan esda olib qoqaningizni imkon boricha berilgan tartibda yozing. Yoddada qolgan raqamlar miqdori sizda ko'rgan narsalarni mexanik ravishda esda olib qolishning hajmidan dalolat beradi, raqamlar tartibini qanchalik to'g'ri yozishingiz esa, ko'rgan narsalarni mexanik ravishda esda olib qolishingizning aniqlik darajasini ko'rsatadi.

Esalash paytida miyada paydo bo'ladigan tasavvurlar idrokka qaraganda hamisha xira va uzuq-yuluq bo'ladi. Ammo ko'rgan materiallarni yaxshiroq esda olib qolish uchun manzarani zo'r diqqat bilan ko'zdan kechirib, bir necha marta ko'zni goh yumib, goh ochish tavsiya etiladi. Bunda har safar ko'rganlarimizni ko'zni yumgan paytdagi tasavvurlarga solishtirish muhim.

Narsani qayta-qayta ko'rish paytida ilgari ko'z ilg'amagan biror yangi tomoni ko'zga tashlanib qoladi, deb faraz qilaylik. Narsa haqida orttirgan yangi bilimlaringizni darhol shu narsa haqidagi tasavvuringiz bilan bog'lang, shunda siz narsaning miyangizdagi obrazini boyita olasiz. Ba'zan shunday bo'ladiki, odam biror narsani sinchiklab qarasa ham uning hamma tomonlarini ko'ra olmaydi, narsaning biror yangi tomonini bilib olgandan keyingina u ko'ziga ko'ringanday tuyiladi.

Xotiraning hozirjavobligi, esda olib qolingan ma'lumotlar ichidan ayni

chog'da zarur bo'lgan ma'lumotni esga tushirish qobiliyati – xotiraning sermahsulligini belgilovchi sifatlar ichida eng muhimi hisoblanadi. Ko'p narsa haqida bilimga ega-yu, ammo butun bilimlar xotirada o'lik yuk bo'lib yotgan odamlar ham uchrab turadi. Bunday odamlar biror narsani esiga tushirmoqchi bo'lganida kerakli material mutloqo esiga kelmaydi, zarur bo'lmaganlari esa o'z-o'zidan esiga kelaveradi. Boshqa bir odamlarda esa bilim boyligi kam bo'lsa-da, ana shu kam bilimlari ham hayotlarida ishga yaraydi, binobarin ularning xotirasi ayni chog'da zarur hisoblangan materialni o'z vaqtida esga tushira olishlariga imkon beradi. Xotiraning hozirjavob, biz istagan vaqtda shay bo'lishi materialni esda olib qolish jarayonidayoq paydo bo'lib boradi. Materialni esda olib qolishda esa uning ma'nosini albatta tushunib olish, esga tushirish talab etiladigan vaziyatlar bilan bog'lab borish lozim. Yoshlarning oliy o'quv yurtida imtihonlarga tayyorgarlik ko'rish jarayonidagi esda olib qolishi bunga misol bo'ladi.

Esga olish jarayonida materialni uzluksiz ravishda sistemalashtirib borish lozim. Bunda odamning narsalardagi o'xshash va farq qiluvchi tomonlarini topa bilish qobiliyati alohida ahamiyatga ega. “Butun ishlarim va bilimlarim, – degan edi Napoleon, – miyamda xuddi jovon qutilariga solingandek turadi. Kerakli ma'lumotni olmoqchi bo'lganimda muayyan qutini ochaman, xolos”.

Xotirani yaxshilashni hamma istaydi, ammo buning uchun nima qilish kerakligini hamma ham bilavermaydi. Xotirani yaxshilashning birinchi va eng muhim

qoidasi: xotirani oʻstirish uchun uni rivojlantirish kerak. Doimiy ravishda mashq qilish, xotirani boyitish va undan foydalanish hamisha yangi-yangi materiallarni esga olish, ilgari esga olingan materiallarni esga tushurish va yana qaytadan esga olib turish natijasidagina har kim oʻz xotirasini takomillashtirishi mumkin.

Bundan tashqari, xotirani yaxshilashning yana bir qancha olimlar tomonidan eʼtirof etilgan maxsus qoidalari borki, ular asosiy qoidaga amal qilingan taqdirdagina foyda yetkazadi.

Takrorlash puxta esda olib qolishning eng muhim shartlaridan biridir. Bu fikr xalq maqolida ham oʻz ifodasini topgan: “Takrorlash bilimning onasidir”. Ammo kundalik turmushdagi tajribalar shuni koʻrsatadiki, takrorlashning har qanaqasi ham foydali natija beravermaydi. Takrorlash foydali boʻlishi uchun, avvalo takrorlaniladigan materialning maʼnosiga tushunish va takrorlashdan muayyan bir maqsadni koʻzlash kerak. Esda qoldirish lozim boʻlgan materialni takrorlashda unga har safar boshqa nuqtai nazar bilan yondashish maʼlum faktlarni yangilari bilan bogʻlab borish zarur, aks holda takrorlash kishini tez zeriktirib yuboradi, materialga boʻlgan qiziqish yoʻqoladi.

Muayyan manbani esga olishda yana shuni nazarda tutish kerakki, ayrim kishilar kechqurun takrorlagan paytda materialni yaxshiroq esda olib qolsa, ayrimlar uchun erta bilan takrorlash koʻproq samara beradi. Kunduz kuni boshqa ishlar orasida takrorlashdan foyda kam boʻladi. Yaxshisi materialni kechqurun esga olib, ertasi kuni tongda takrorlash maʼqulroq.

Nihoyat, xotirani mustahkamlashning yana shunday imkoniyatlarini koʻrsatib oʻtish mumkin. Toʻgʻri tuzilgan kundalik ish rejimi, esdaliklar va kerakli materiallarni tizimli yozib borish uchun yon daftarcha yuritishni bilish, shuningdek, toʻgʻri ovqatlanish ratsionaliga amal qilish ham xotirani mustahkamlash sharoitlaridandir. Yon daftarcha madaniyatli kishilarning ikkinchi miyasi-ku, axir. Shuni doim esda tuting: insonning salomatligi va kayfiyatini yaxshilaydigan narsalar borki, ular ham xotiraning mahsuldorligini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Gʻoziyev E.G. umumiy psixologiya. – Toshkent: “Oʻzbekiston faylasuflari milliy jamiyati”, 2010.
2. Karimova V.M. Salomatlik psixologiyasi yoxud sogʻlom boʻlish uchun ruhiyatni boshqarish sirlari. – T.: Yangi asr avlodi, 2005.
3. “Психолог маслахати” газеталари. 2017 йил
4. www.ziyounet.uz

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНИШДА ИЖОДИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЎРНИ

Абсоатов Улуғбек Қодирович

Зангиота тумани 16-умумий ўрта таълим мактаби

E-mail: u.absoatov@umail.uz

***Анотация:** Мақолада ўқувчиларнинг ижодий фикрлаши ва мустақил изланиши тадқиқ қилинган. Ўқувчиларнинг ижодий фикрлашларини кучайтириши, мақсадга эришувчанлик фаолигини ошириши ҳамда уларнинг методик таёргарлигини математик масалалар тузиши жараёнида ижодий масалалар фонида ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: ижодий фикрлаш, ижодий масала, умумлаштириш, синтез, исботлаш, аналитик ечим, ижодкорлик.

Мамлакатимизнинг кадрлар таёрлаш соҳасидаги сиёсати узлуксиз таълим тизимига эришиш орқали ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашга йўналтирилган. Чунки, ривожланган мамлакатлар таълим тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатади-ки, таълим тизимида узвийликни таъминлаш, бу борада замонавий педагогик ва инновацион технологиялардан кенг ва оқилона фойдаланиш -талабларнинг фан асосларини чуқур ўрганишига ва ўзлари онгли равишда танлаган касб-хунар сирларини мукамал эгаллашларига бўлган қизиқишларини ошишини таъминлайди.

Психологияда масала ечиш тушунчаси фаолият концепцияси билан тушунилади. Фикрлаш деб биз масалани ечиш фаолиятини тушунамиз. Ўқувчилар кўп сонли масалаларни дарсларда, дарсдан ташқари тўғарақларда, илмий семинар машгулотларда ва математик олимпиадаларда ечадилар. Ушбу масалаларни икки гуруҳга ижодий ва ижодий бўлган

масалаларга ажратиш мумкин. Ижодий масалани таълим жараёнида унумли ишлатиш ва мустақил фикрлашни ривожлантириш учун масаланинг структурасини, табиатини ва мазмунини тамомила тушуниш лозимдир.

Ижодий масала моҳияти масала ечиш услуби янги элементларининг мавжудлиги, янги билимларга эга бўлиш борасидаги ғоялар, ечим натижасининг янгилиги ва масаланинг юқори даражадаги мураккаблиги сифатида қараш мумкин..

Масалани ечиш учун ўқувчи янги ечиш услубини қидиради, фаолият йуналишини аниқлайди ва бу билан масала шартларини ўзгартиради, мақсадига аниқлик киритади.

Шундай қилиб, ғоя ижодий масаланинг асосий қисми бўлиб хизмат қилади ва эвристик вазифани бажаради, яъни ўқувчиларда ижодий фаолиққа ундовчи масала қобилияти тушунилади.

Ижодий топшириқларга қуйидагиларни киритиш мумкин: масала тузиш машқлари; масалаларни турли

ечиш услублари ва турли ечими бўлган масалалар.

Ижодий масалаларнинг хусусиятларини назарда тутиб, геометрик масалаларни ечишдаги мустақил фикрлашни ривожлантирувчи 4 та даражани ажратиш мумкин:

- аниқ амалларнинг бажарилиши, тизимли тасаввурга эга бўлган натижаларга эришиш.

- турли мавзу ва бўлим мазмунларидан фойдаланиб масаладаги амаллар мажмуини бажариш.

- фан мазмунидан фойдаланиб, ички тасаввурлар тизими даражасида бажаришни талаб қиладиган масалаларнинг амаллар мажмуисини бажариш.

- фанлараро билимлардан фойдаланиб, фанлараро ва тизимлараро тасаввурлар даражасида бажариладиган ижодкорликни талаб қилувчи масалаларнинг амаллар мажмуасини бажариш.

Масаланинг хусусиятлари геометрияда жуда қисқа йўналишда намоён бўлади: аниқ геометрик фигураларни ўрганишда, уларнинг белги, хоссалари ва ўзаро жойлашиши. Уларнинг ечимида чизмалар, расмлар, моделлар катта аҳамиятга эгадир.

Ўқувчиларни билим олишга йўналтирадиган, уларнинг мустақил фикрлашини ривожлантиришнинг энг қимматли воситаси масала тузиш ва уни ечишдир. Одатда янги билим исботлашга тайёрланган масала кўринишида ифодаланади. Масала тузиш жараёни ўқувчилар ҳаётида хурсандчилик олиб киради.

Масалалар тузиш – муаммоли эвристик усул бўлиб, унинг унинг асосий

этаплари куйидагилар: муаммоли жараёни фаҳмлаш ва сезиш; муаммонинг қўйилиши, унинг таҳлили; масалалар тузиш; тузилган масалани ечиш.

Масалалар тузишнинг куйидаги турларини келтирамиз: масала шартига оид сўроқлар танлаш; сўроққа оид шартлар танлаш; расмлар, ҳикоялар ва мақолалар бўйича масалалар тузиш; қисқача ёзув шартлари бўйича масалалар тузиш; масалалар ечимининг ёзув бўйича масалалар тузиш; аниқ амалларга ёки бир қанча аниқ амалларга оид масалалар тузиш; берилганларга ўхшаш масалалар тузиш; берилганларга тескари бўлган масалалар тузиш; бошқа масалаларни умумлаштириш билан масалалар тузиш; инкор қилувчи масалалар тузиш – тасдиқловчи машқлар тузиш.

Ўқувчилар ижодий фикрлаш фаолиятини ривожлантиришда масалалар тузишнинг куйидаги усул ва қодалари муҳим аҳамиятга эга: исботлашга оид масалалар тузиш; берилганларга тескари бўлган масалалар тузиш; расмла бўйича ва шартнинг қисқача ёзувига кўра масалалар тузиш; ўхшашалик усулидан фойдаланиб масалалар тузиш шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Махмудова Д.М. Ўқувчиларда мустақил ижодий фаолиятни ривожлантиришда муаммоли масалалардан фойдаланиш жиҳатлари. Монография “Fan va technology». Т.: 2017.-162 б.
2. Ибрагимов Н.Ш. Ўқувчиларнинг математик қобилиятларини ривожлантириш муаммолари. “ЎзМУ хабарлари”. Илмий журнал. Тошкент, № 1/4/1. 2018. -В. 128-132.

«ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИЯ, ИНТЕГРАЦИЯ ВА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР»

Сурайё Обидовна Ҳамидова,
Наманган шаҳридаги 60-мактаб ўқитувчиси

Мухайё Обидовна Ҳамидова,
НамДУ доценти

Фароғат Обидовна Мирзабаева,
11-мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчиси

***Аннотатсия:** Бугунги кунда таълим жараёнида масофали таълимдан фойдаланишга кенг эътибор берилмоқда. Бу эса ўз навбатида дарс жараёнида талабаларга тўлиқ эътибор имконияти бўлмаган материаллар билан яқиндан танишишда, мавзуга оид топшириқларни олишда ва бажаришларида ҳам ижобий натижалар бермоқда. Ушбу мақолада ҳам масофали таълимдан фойдаланишнинг ўрни хусусида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: масофали таълим, тугал дастурий маҳсулотлар, электрон дарслик, видеомаърузалар, компютер топшириқномалар, мультимедиа.

***Аннотация:** в современной системе образования значительное место уделяется дистанционному обучению. Такое обучение позволяет значительно расширить возможности обучающихся. Статья посвящена раскрытию возможностей такого обучения.*

Ключевые слова: дистанционное обучение, законченные программные средства, электронный учебник, видеолекции, мультимедиа.

XXI аср кишилиқ жамияти тараққиёти тарихида фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёни назарий ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга, ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмун касб этишини таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларининг ортиб боришига замин ҳозирлади. Ижтимоий эҳтиёжларнинг янгилашиб ҳамда ортиб

бориши ўз навбатида уларни қисқа муддатда ва сифатли қондирилишини таъмин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилишини тақозо этди. Ижтимоий зарурат маҳсули бўлган технология соҳаси ва уни такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам жисмоний куч сарфлаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунга кунга

келиб, таълим жараёнини ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблари асосида йўлга қўйиш зарурати кун тартибига қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёни моҳиятини тўлақонли англай олган, фавкулотда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олиш салоҳиятига эга бўлган малакали мутахассисни тайёрлаш зарурияти таълим жараёнининг ҳам технологик ёндашув асосида ташкил этиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Ҳозирги замон талаби эса янги ўқув муҳити, яъни янги информатсион технологиялар ёрдамида ихтиёрий жойда туриб билим олиш, ихтиёрий ўқув юртлари билан алоқа қилиш ва жаҳоннинг ихтиёрий нуқтасидаги маълумотларни олишдир. Бунда бизга интернет тизими ёрдам бериши мумкин. Интернет тизими орқали таълим тизими ташкил қилинган мактаблар, коллежлар ва ўқув юртлари ҳозирги кунда ривожланиб бораётган “виртуал ўқув юртлари”га бирлашаётганини кузатиш мумкин. Бу эса ўқув муассасалари орасидаги масофани қисқартиради ва маълумотлар алмашинувини максимал даражада таъминлайди. Шу жиҳатдан масофавий таълим ахборот беришнинг ва олишнинг жуда зарур ва тезкор тури сифатида оммалашди.

Электрон дарсликнинг имкониятларини мултипликация ва видеотехниканинг замонавий воситаларини қўллаган ҳолда кенгайтириш мумкин. Булар ўқув курси бўйича видеомаърузалар, ишлаб чиқариш жараёнларининг намойиши,

машҳур олимларнинг чиқишлари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Замонавий компьютерга мўлжалланган дидактик дастурлар (электрон дарслик, компьютер топшириқномалари, мультимедияли электрон дарсликлар ва бошқалар) ўқитишнинг мультимедияли воситалари сирасига киради. Мультимедия дидактик материал узатишни юқори даражада қулай ва кўргазмали бўлишини таъминлайди, бу, ўз навбатида, талабаларда ўрганишга қизиқишни ортттиради.

Яқин вақтларгача масофавий таълим, сиртки таълим, очиқ таълим ва ҳоказолар каби тушунчалар деярли бир-бирдан ажратилмас эди. Бироқ ҳозирги вақтга келиб, масофавий таълим ўз аҳамияти ва зарурлигини исботлади. Бироқ ҳозиргача бу таълим шаклими ёки технологиями деган саволлар долзарблигича қолмоқда. Чунки бу саволнинг тушунчасидан масофавий таълимнинг стратегияси, амалга ошириш тактикаси ҳамда ўқитувчиларни масофавий таълимда ишлашга тайёргарлигига боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда масофавий таълимнинг тадқиқотчи ва амалиётчилари томонидан унга қуйидагича асосий таъриф бериб келинмоқда.

Масофавий таълим – бу ўқув материалининг етказиб берилишида, мустақил ўрганишида, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида мулоқот алмашинувида қўлланиладиган, анъанавий ва янги ахборот технологияларни ҳамда уларнинг техник воситаларини кенг қамровда ишлатилишидаги таълим-

нинг синтетик, интеграл, ижтимоий шаклидир.

Масофавий таълим кундузги таълим мазмунидаги каби мос равишда ўша мақсадлар билан қурилади (агар у таълимга мос келувчи дастур бўйича қурилса), лекин материални етказиш шакли, ўқитувчи ва ўқувчилар, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзаро ўртасидаги таъсир этиш шакли бошқача бўлади. Масофавий таълимнинг асосий базавий дидактик принциплари бошқа таълим турлари кабидир, лекин масофавий таълимнинг ташкилий принциплари бошқачадир, улар масофавий таълим учун хосдир, чунки шакл хусусиятлари, интернетнинг ахборот воситаси имкониятлари, унинг хизматлари (чатлар, форумлар, электрон почта, видеоконференция) билан ифодаланган.

Масофавий таълим ишлатилишининг асосий соҳаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маълум соҳалар бўйича педагогик кадрлар малакасини ошириш;

- имтиҳонларни эксперт усулида топширишда алоҳида ўқув фанлари бўйича мактаб ўқувчиларини тайёрлаш;

- маълум йўналишдаги ўқув муассасаларига ўқишга кириш учун мактаб ўқувчиларини тайёрлаш;

- мактаб ўқувчиларининг йўналишлар бўйича таълим олишлари-ни ташкил этиш;

- қизиқиш бўйича қўшимча таълим олиш;

- кадрларни касбга қайта тайёрлаш;

- касбий тайёргарлик.

Масофавий таълим билан кундузги ва сиртки таълим шакллари ни таққослаб, шуни хулоса қилиш мумкинки, масофавий таълимни, персонал компьютерлар, видео ва аудио техника, космик ва оптик толали техниканинг ишлатилишига асосланган таълимни ахборот технологиялари билан таъминланган сиртки ва кундузги таълим ривожланишининг янги босқичи сифатида кўриш мумкин. Масофавий таълим сиртки таълим шаклидан шуниси билан фарқ қиладики, унда материалнинг моҳиятли қисми мустақил ўзлаштирилмасдан, ўқитувчи билан доимий мулоқотда амалга оширилади (телефон ва интернет, маъруза ва семинарларда онлайн режимидаги консултациялар). Шунингдек, масофавий таълимнинг сиртки таълим шаклидан асосий фарқлари сифатида қуйидагиларни киритиш мумкин: -телекоммуникатсия воситалари ёрдамида ўқитувчи билан доимий мулоқот, вужудга келадиган саволлар бўйича у билан оператив тарзда мулоқот қилиш имконияти. Ривожланган давлатларда янги типдаги ўқув юртлари мавжуд. Бундай ўқув юртлари “очик”, “масофали” университет, “электрон”, “виртуал” коллежлар деб номлана бошланди. Улар ўзига хос ташкилий структурага эга бўлиб ўзига мос педагогик усул, иқтисодий механизмлардан фойдаланилади.

Хусусан, Ўзбекистонда ҳам масофали таълимдан кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунда олий ўқув юртларида масофали таълимга эътибор янада кенгайди. Бу эса таълим сифатини оширишга кенг имкониятни яратади. Дарс

жараёнида етказиш имкони бўлмаган маълумотни ўқувчи, талаба бемалол масофадан туриб керакли сайтга кириб ўзлаштириши мумкин.

Демак, таълимда масофали таълимдан фойдаланиш ижобий самара беради. Шунинг учун ундан тўғри ва унмли фойдаланиш лозим бўлади.

Адабиётлар:

1. Мухторов А. ва б. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар // “Иқтисодиёт ва инноватсион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012.
2. Зорников И.Н., Волкова Л.П. Проблемы и перспективы международной интеграции высшего образования.-Воронеж, 2009.- С. 13-18.
3. Ричард Арум, Мелиса Велез. Импривинг Леарнингэнвиromент: Счоол Дисциплине анд Сомпоративе Перспестиве. Станфорд Универсий Пресс, УСА: 2012.
4. Ҳ.Фрй, С. Кеттеридге, С.Маршалл. Ҳандбоок Фор теачинг анд Леарнинг ин Ҳигхер эдусатион. New Ёрк, Роутледге, 2009.
5. Ишмухамедов Р., Абдукародиров А., Пардаев А. Тарбиядаинноватсионтехнологиялар (таълиммуассасаларипедагог-ўқитувчилариучунамалийтивсиялар).-Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2009 -160 б.

ТУРКИЯДА ЎРТА ОСИЁ ВА ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ДАВРИ ТАРИХИ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРГАН ТАШКИЛОТЛАР ТАРИХИДАН.

ТОШЕВ Солежон Аҳматжонович

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси solihahmad.toj@mail.ru

***Аннотация:** Совет Иттифоқининг тарқалишидан сўнг, нафақат мамлакат ичида, балки бутун дунёда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихига бўлган қизиқиши ошди. Чет давлатлари жумладан Туркияда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихига доир кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганки, бу мақолада ушбу тадқиқотлар ва мазкур тадқиқотларни ташкил этган ҳамда қўллаб қувватлаган ташкилотлар фаолияти ёритилган.*

Таянч сўзлар: Совет Иттифоқи, Ўзбекистон, Туркия, Ўрта Осиё, Турк дунёси, Туркистон

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги бошларида мустабид советлар давлатининг барҳам топиши нафақат собиқ иттифоқ халқлари ҳаётида, балки

жаҳон миқёсида сиёсий вазиятни тубдан ўзгартирди. Собиқ иттифоқ таркибидан биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси ажралиб чиқди.

Сўнгра, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари ташкил топди. Халқларимизнинг асрий орзуси бўлмиш мустақиллик мустамлака даврида оёқости қилинган миллий, маънавий, илмий, ахлоқий-фалсафий, кадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, илдишлари қадимий даврларга бориб тақалган тарихни холисона ва чуқур ўрганиш имкониятини берди. 1990 йиллар бошларида дунё сиёсий харитасидаги ўзгаришлар, янгидан тuzилган таянч ҳудудлар ичида Ўрта

Осиё минтақаси муҳим стратегик аҳамиятга эгадир. Туркиянинг минтақадаги давлатлар билан тарихий ва маъданий муштарақлиги бу ҳудудни ўрганишга, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлик қилишга интилиши ва бу мақсад сари илмий ва сиёсий фаолият олиб борган ва бу давом эммоқда.

Совуқ урушни тугаши билан Туркиянинг Ўрта Осиё давлатлари билан кенг миқёсдаги халқаро алоқаларга киришуви тасодиф эмас. Туркларнинг Ўрта Осиё давлатлари билан тарих, маданият, тил, дин ва кадриятлар борасидаги яқинлиги инкор этилмас ҳақиқатдир.[3]

Туркияда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихига доир кўплаб тадқиқотлар асосан Совет иттифоқининг парчаланиши ва мамлакатларнинг мустақилликга эришгандан сўнг амалга оширилган бўлсада илмий тадқиқот ишлари нафақат

мустикалликдан кейинги давр тарихи, балки Ўрта Осиё тарихининг барча давлари жумладан, Совет мустамлакачилиги даври тарихи ҳам ўрганилган.

Туркияда Ўрта Осиё халқлари тарихига бағишланган тадқиқотларда “Ўрта Осиё” худудини номини таърифлашда баъзи тафовутлар учрайди. Ўрта Осиё худуди ҳам географик нуқтаи назардан, ҳам минтақадаги давлатларни таснифлашда ҳам фарқли қарашлар мавжуд. Мисол учун, географик маънода “Merkezi Asya”(Марказий Осиё), “Türkistan” (Туркистон), “Türk Dünyası”(Турк дунёси) ва б. каби атамалар қўлланилмоқда. Бироқ, Туркияда худудга оид сиёсий нуқтаи назардан аниқ бир атама ҳанўз шаклланмаган. Агар собиқ иттифоқ даврига нисбатан Ўрта Осиё давлатлари асосан “Türkistan” (Туркистон), ва “Sovyet dönemde Orta Asya Türk Cumhuriyetleri”(Советлар даврида Ўрта Осиё туркий давлатлар) қаба номлар билан ифдаланган бўлса, иттифоқ парчалангандан сўнг давлатлар учун “Türk Cumhuriyetleri” (Турк Республикалари), “Orta Asya Türki Cumhuriyetleri” (Ўрта Осиё турк Республикалари), “Orta Asya Cumhuriyetleri” (Ўрта Осиё турк Республикалари), “Yeni Türk Cumhuriyetleri” (Янги турк Республикалари), “Türk Dilini Konuşan Ülkeler” (Турк тилида сўзлашувчи давлатлар), “Müslüman Cumhuriyetler” (Мусулмон Республикалар), “Türk ve Akraha Toplulukları”(Турк ва қардош

халқлар) сингари бир қанча атамалар ишлатилмоқда.

Турк тарихчиси Фахри Солак тузган “Türkistan ve Kafkasya Bibliyografyası” (Туркистон ва Кавказ библиографияси) китобида “Avrasya”(Евросиё) 497 марта, “Dış Türkler” (Туркиядан ташқаридаги туркийлар) 68 марта, “Türk Cumhuriyetleri” (Турк Республикалари) 278 марта, “Türk Dünyası” (Турк дунёси) атамаси эса 589 марта ишлатилган. Жой номлари индексида Ўрта Осиё атамаси 561 марта, Туркистон Атамаси 622 марта ишлатилган.[4]

Яна бир турк тарихчиси Фират Пурташнинг фикрига кўра Ўрта Осиё Совет иттифоқининг парчаланishiдан сўнг пайдо бўлган геосиёсий худудлардан бири ҳисобланади. Бироқ, Фират Пурташ худуднинг аниқ бир чегараси маълум эмаслигини, Санкт Петербургдаги Шарқшунослик Институтда тайёрланган қомусий изохли луғатга асосан шундай кўрсатади: “Ўрта Осиё, Ҳазар қирғоқларидан манжуриягача чўзилган ерлар ҳисобланади.”[5]

Туркияда 1991 йилгача бўлган даврда “Туркий ўчоқлар” (Türk Ocakları), “Турк дунёси тадқиқотлар вақфи” (Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı), “Туркия миллий маданият вақфи” (Türkiye Milli Kültür Vakfı), “Турк маданияти тадқиқот маркази”(Türk Kültürünü Araştırma Enstitüsü) каби кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари туркий халқлар маданияти ва тарихини ўрганиш ва илмий тадқиқот фаолиятини олиб

борган. Бундан ташқари Советларнинг атеистик мафқураси таъсирида қолган ёшларга исломни ўргатишни мақсад қилган бирқанча ижтимоий ҳаракат ва бирлашмалар ҳам фаолият олиб борган. Булар орасида Туркия диёнат вақфи (Türkiye Diyanet Vakfi), Исломий билимлар тадқиқот маркази (Islami Ilimler Araştırma Vakfi), Ҳазрат Акшамиддин вақфи (Hz Akşemseddin Vakfi, İlim Yauma Vakfi), Ҳақ йўли вақфи (Nakıul Vakfi)ларни мисол келтиришимиз мумкин.[6]

Туркияда Ўрта осие давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маъданий алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни кенгайтириш мақсадида ташкил этилган кўзга кўринарли расмий ташкилотлар ТІКА, TÜRKSOY, ECO, Türk-Па ҳисобланади. Ўрта Осие Республикалари ўз сиёсий мустақилликларига эришганларидан сўнг бу давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва ҳудуддаги давлатлар ва халқларнинг ижтимоий сиёсий ҳаёти, маданияти, тарихи, ривожланиш хусусиятларини ўрганган энг илғор ташкилотлардан бири шубҳасиз ТІКА (Türk İşbirliği ve Kalkınma Ajansı) ташкилоти ҳисобланади. 1992 йил январ ойида ташкил этилган ҳозирда 20 давлатда расмий идораси эга бўлган мазкур агентлик туркий халқлар, жумладан Ўрта Осие халқлари тарихи ва маданиятини тадқиқ ва тарғиб этиш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда.[7]

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўрта Осие жумладан, Ўзбекистон тарихининг ўрганилган даври бўйича

турк тилидаги илмий тадқиқотларда баён этилган илмий қарашларда советлар юритган мустамлакачилик сиёсатини қоралаш билан бирга, Ўрта Осие халқларининг истиқлол учун олиб борган мардона кураши ва истиқлолдан кейинги тараққиёт хусусиятлари таҳлилий ўрганилган. Бундан ташқари мустабид тузум даврида мураккаб сиёсий босим остида яшаган Ўрта Осие халқларининг ўз миллий маънавиятини, дини, она-тили, миллий ўзлиги, тарихий хотира ва қадриятларини асраш йўлидаги йукотишлари, охир оқибат курашлар самараси ўлароқ истиқлол неъматига эришиш тарихи хорижий тарих-шуносликда қандай акс этганини аниқлаш ҳам тарихий ҳақиқатларни тиклаш, ҳам ватанпарварлик нуқтаи назаридан ғоят аҳамиятлидир.

Адабиётлар

1. Fahri Solak Türkistan ve Kafkasya Bibliyografyası, Türk Dünyası Belediyeler Birliği Yayınları, Okutan Yayıncılık, İstanbul, 2007, S.720-755.
2. Fırat Purtaş, “Orta Asya'nın Bütünlüğü Sorunsalı ve Orta Asya'da Bölgesel Entegrasyon Girişimleri”, Orta Asya ve Kafkasyada Güç Politikası, Derleyen M. Turgut Demirtepe, Ankara. USAK, 2008 S.35.
3. Karasar, H.A. Kuşkumbayev, S.: Türkistan Bütünleşmesi, Merkezi Asya'da Birlik Arayışları 1991-2001, Ötüken Yayınları, İstanbul 2009, S 151.
4. Ainur Yerbolayeva, Türkiye'de Orta Asya ile İlgili Araştırma Yapan Kurumlar, Yüksek Lisans tezi, İstanbul Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Sosyoloji Anabilim Dalı İstanbul. 2009. 190 s

WHY ARE FINLAND'S SCHOOLS SUCCESSFUL?

Boburjon Yangiboev Oripovich

Student of Management Development Institute of Singapore in Tashkent.
yangiboevbobur8@gmail.com

Malokhat Tanieva Fayzullayevna

Teacher of history and law.

***Annotation:** Finland's education system is regarded as one of the best in the world, and other nations are striving to emulate its structure of well-paid teachers, plenty of recess time, and less emphasis on homework and tests.*

Key words: education, public schools, competition, teaching environment, learning language, motivation.

The transformation of its education system began some 40 years ago but teachers had little idea it had been so successful until 2000. In this year, the first results from the program for International Student Assessment (PISA), a standardized test given to 15-year-olds in more than 40 global venues, revealed Finnish youth to be the best at reading in the world. Three years later, they led in math. By 2006, Finland was first out of the 57 nations that participate in science, third in reading and sixth in math among nearly half a million students worldwide. In the USA, government officials have attempted to improve standards by introducing marketplace competition into public schools. In recent years, a group of Wall Street financiers and philanthropists such as Bill Gates have put money behind private-sector ideas, such as charter schools, which have doubled in number in the past decade. President Obama, too, apparently thought competition was the answer. One policy invited states to compete for federal dollars using tests and other methods to measure teachers, a

philosophy that would not be welcome in Finland. There are no compulsory standardized tests in Finland, apart from one exam at the end of student's senior year in high school. There is no competition between students, schools or various regions. Finland's schools are publicly funded. The people in the government agencies running them, from national officials to local authorities, are educators rather than business people or politicians. Every school has the same national goals and draws from the same pool of university-trained educators. The result is that a Finnish child has a good chance of getting the same quality education no matter whether he or she lives in a rural village or a university town. It is almost unheard of for a child to show up hungry to school. Finland provides three years of maternity leave and subsidized day care to parents, and preschool for all five-year-olds, where the emphasis is on socializing. In addition, the state subsidizes parents, paying them around 150 euro per month for every child until he or she turns 17. Schools provide food, counseling,

and taxi service if needed. Health care is even free for students taking degree course. Finland's schools were not always a wonder. For the first half of the twentieth century, only the privileged got a quality education. But in 1963, the Finnish parliament made the bold decision to choose public education as the best means of driving the economy forward and out of recession. Public schools were organized into the one system of comprehensive schools for ages 7 through 16. Teachers from all over the nation contributed to a national curriculum that provided guidelines, not prescriptions, for them to refer to. Besides Finnish and Swedish (the country's second official language), children started learning a third language (English is a favorite) usually beginning at age nine. The equal distribution of equipment was next, meaning that all teachers had their fair share of teaching resources to aid learning. As the comprehensive schools improved, so did the upper secondary schools (grades 10 through 12). The second critical decision came in 1979, when it was required that every teacher gain a fifth-year Master's degree in theory and practice, paid for by the state. From then on, teachers were effectively granted equal status with doctors and lawyers. Applicants began flooding teaching programs, not because the salaries were so high but because autonomous decision-making and respect made the job desirable. For a salient example; At Kirkkojarvi Comprehensive school in Espoo, a suburb west of Helsinki, Kari Louhivuori, the school's principal, decided to try

something extreme by Finnish standards. One of his sixth grade students, a recent immigrant, was falling behind, resisting his teachers best efforts. So he decided to hold the boy back a year. Standards in the country have vastly improved in reading, math and science literacy over the past decade, in large part because its teachers are trusted to do whatever it takes to turn young lives around. "I took Besart on that year as my private student" explains Louhivuori. When he was not studying science, geography and math, Besart was seated next to Louhivuori's desk, taking books from a tall stack, slowly reading one, then another, then devouring them by the dozens. By the end of the year, he had conquered his adopted country's vowel-rich language and arrived at the realization that he could, in fact, learn. And as Finland teachers said "We have our own motivation to succeed because we adore our work. Many people are familiar with the stereotype of the hard-working, rote memorization, myopic tunnel vision of Eastern Asia study and work ethics. Many of these countries, like China, Singapore and Japan amongst others routinely rank in the number one spots in both math and science. Some pundits point towards this model of exhaustive brain draining as something American should aspire to become. Work more! Study harder! Live less. The facts and figures don't lie – these countries are outperforming us, but there might be a better and healthier way to go about this. Finland is the answer – a country rich in intellectual and educational reform has initiated over the years a number of novel

and simple changes that have completely revolutionized their educational system. They outrank the United States and are gaining on Eastern Asian countries. Are they cramming in dimly-lit rooms on robotic schedules? Nope. Stressing over standardized tests enacted by the government? No way. Finland is leading the way because of common-sense practices and a holistic teaching environment that strives for equity over excellence. Another advantage of Finnish education system is while most Americans and other countries see the educational system as one big Darwinian competition as we remarked on above, the Finns see it differently. As the writer Samuli Paronen said “Real winners do not compete”. Ironically, this attitude has put them at the head of international pack. Finland’s educational

system doesn’t worry about artificial or arbitrary merit-based systems. There are no lists of top performing students or schools, teachers. It is not even an environment of competition – instead, cooperation is the norm. According to the OECD, students in Finland have the least amount of outside work and homework than any other students in the world. They spend only half an hour a night working on stuff from school. Finnish students also don’t have tutors. Yet, they are outperforming cultures that have toxic school-to-life balance without the unneeded or unnecessary stress.

List of reference.

1. Mike Colagrossi, Big think – World Economic forum
2. The New York Times Company 2020.
3. KUN.UZ on telegram app.